

БУТУН КУЧ—ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА!

● ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДОЛЗАРЪ КУНЛАР КЕЛДИ. ● СУҒОРИШНИ КЕЧАЮ-КУНДУЗ ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК. ● КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК. ● ЁВВОЙИ ЎТГА ВА ҲАШАРОТГА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК. ● ҲАР ТУП ҒЎЗАНИ МЕҲР БИЛАН ЎСТИРИБ, УНИ ТЕЗРОҚ ҲОСИЛГА НИРИТИБ ОЛАЙЛИК.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

21 ЙИЛ ЧИҚИШИ. № 123 (5216). 25 июнь, 1974 йил. СЕШАНБА. Баҳоси 2 тийин.



● ПОЕНСИЗ пахтазорлар да ғузларни қалб қўри билан ардоқлаб парварши қилаётган. деҳқонлар ҳосил ишқиди кечаю-кундуз тер тўқмоқдалар. Ғўза қалб тақдирини ҳал бўлаётган кунларда сувчи ва механик затор қўлини кулга бериб астойдил меҳнат қилмоқда. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш агротехника муҳимлигида утказилмоқда. Ҳар туп ғўзанинг серхосли бўлишини таъминлаш пахтазор деҳқонларининг бугунги кунда амалга ошираётган тадбирларига, меҳнатда кўрсатилган ушшоқлик ва маҳоратига боғлиқдир. Пахта даладарига ғўза парваршиш юксак мажбуриятга эришган олиб боришмоқда. Сурағда: Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» колхозида ғузларни суғориш пайти.

А. Абалин фотоси.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ОБЛАСТДАГИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРГА МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Бутун мамлакатимизда тўққизинчи беш йилликнинг белгилловчи тўртинчи йили топириқларини муҳлатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенг авж олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1973 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисидаги қарори ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаота шаҳрида ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқи Тошкент области меҳнаткашларини янги сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириб юборди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида партиямиз агар сиёсий-иқтисодий масалаларни батафсил ва аниқ баён қилиб берилди ҳамда колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришда амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим масалалар таъкиллаб ўтилди.

Партиямизнинг пахтачилигини ва республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини ҳамisha сезиб турибмиз. Қишлоқ хўжалигига ажратилаётган капитал маблағлар йил сайини кўпайиб бормоқда, қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва минерал ўғитлар ҳам жуда кўп миқдорда етказиб берилмоқда.

Партиянинг ғамхўрлигига жавобан, республика-миз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик олтин юбилейи шарафига биз Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, ўз зиммаларига бу йил она-Ватанга камиди 420 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини оламиз. Шундан 300 минг тоннасини машиналар билан териб оламиз. Ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосилини 30 центнерга етказамиз. Биз юбилей йилида давлатга 250 минг тонна каноп, 93 минг тонна доғ, шў жумладан 48 минг тонна бошқиди доғ, 35 минг тонна шол ва 10 минг тонна маккажўхори дони, шунингдек 340 минг тонна сабзавот, 52,6 минг тонна картошка, 26,2 минг тонна гўшт, 88 минг тонна сут ва бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотишга қарор қилдик.

Бу йилги баҳор жуда ноқулай келди. Егингарчилик кўп бўлганлиги ва ҳаво паст келганлиги учун жуда катта майдонларда чигит ва бошқа экинларни қайта экишга ва қўшимча экишга тўғри келди. Бундай ҳолда экинларни тез ундириб олиш учун қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари аҳолийб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар, обихаво ноқулайликлари оқибатларини енгиш учун кат-

та маҳорат кўрсатиб, ўз тажрибаларини ишга солиб меҳнат қилдилар.

Хурматли ўртоқлар!

Ўз зиммаларига юксак мажбуриятларни бажариш учун курашининг ҳал қилувчи даврлари келди. Бизнинг партияга ва халққа берган сўзимизнинг устидан чиқишимиз худди шу кунларда қандай меҳнат қилишимизга боғлиқдир.

Даладардаги ва фермалардаги ҳозирги аҳволни батафсил муҳокама қилиб чиқиб, биз област қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашининг қатнашчилари областнинг барча қолхозчиларига, совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига меҳнат ресурслари ва техникадан унумли фойдаланиш, экин қатор ораларига ишлов беришнинг ўз муҳлатида ва сифатли ўтказиш, даладарни бегона ўтлардан тоза сақлаш, экин қатор ораларини ўз вақтида юмшатиб туришга даъват етказамиз. Шу кунларда биз ўз кучимизни, диққат-этиборимизни ғўза ва бошқа экинлар парваршишини пухта ўтказишга сафарбар етказамиз.

Бу йил сувнинг кам бўлаётганлигини ҳисобга олиб, биз сизларни ҳар бир литр суви тежаб сарфлашга, барча пахтачилик бригадалари, маккажўхорилик ва сабзавоткорлик бригадаларида суғоришни кечаю-кундуз давом эттириш, экинларнинг чанқаб қолишига йўл қўймаслик, бригада бўйича ва хўжаликлараро сув тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, сувдан фойдаланиш коэффициенти-ни юқори кўтариш, экин майдонларининг ҳалдан ташқари захлаб кетишига йўл қўймасликка чақирамиз.

Шу кунларда ҳар бир деҳқон шуни яхши билиши керакки, ҳосилнинг тақдирини сувчиларнинг ва меҳнаткорларнинг маҳорати га боғлиқ. Даладарини суғоришга тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Экин қатор ораларига суғориш олдиндангина эгат очиш керак. Суғориш эгатларининг қисқа бўлиши, коллектор, зовур ва бошқа сув манбаларидан насослар орқали фойдаланишнинг самарали ташкил қилиш зарур.

Бу йилги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, биз июнь ойида иккинчи суғоришни тугаллашимиз ва июль ойида экинларни яна икки марта суғоришимиз керак.

Бизнинг меҳнаткорларимиз ҳозир куч-ғайратларини аямай экин қатор ораларини сифатли культивация қилишлари лозим. Бунда культиватор иш органларининг тўлиқ бўлиши, ғузларни машинабон қилиб ўстириш учун агротехника талабларига риоя қилиш гоят муҳимдир. Ғузларни иккинчи марта озиқлантиришнинг яқин кунлар ичида тугаллаш ва 10 июлга қадар учинчи марта озиқлантириш, маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу кунларда барча экин майдонларини ҳар кун кузатиб туриш, ҳашарот ва зараркунанда туш-

ган жойларни аниқлаш, экинларни ана шу зараркунандадан ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Биз областнинг барча пахтакорларини Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозини, Қўйи Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини, Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозини каби илғор хўжаликларининг тажрибаларини кенг ўрганишга даъват етказамиз. Бу хўжаликлар пахта ҳосилдорлигини йил сайини ошириб, унинг таъминини камайтириб келмоқдалар. Бу хўжаликларнинг катта муваффақиятларига эришишга асосий сабаблардан бири шуки, улар ғўзани суғоришни ўз муҳлатида ва сифатли ўтказдилар, сувчиларининг маънавий ва моддий манфаатдорлигини таъминлайдилар, шунингдек барча агротехника тадбирларини юқори даражада ўтказдилар.

Бу йил бизнинг областимизда 49 бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқда. Биз ҳар бир пахтачилик бригадасини, звено ва хўжаликларни ана шу юқори ҳосил усталарининг ташаббусини қўллаб-қувватлашга, кам ҳаражат қилиб, сифатли ва юқори ҳосил етиштиришга даъват етказамиз.

ҚАДРЛИ ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Ҳозир ҳар кун, ҳар соат қимматлидир. Ҳосилнинг тақдирини сизларга боғлиқ. Ана шуларни ҳисобга олиб, биз июль ва август ойини мўл ҳосил тўплашда зарбдор ой деб эълон қиламиз. Ҳозирги вақтда мана шу қайноқ меҳнат ойларида ҳеч бир киши юбилей йилида олинган юқори мажбуриятларни бажариш учун бошланган олижаноб курашдан четда қолмасин.

ҒАЛЛАКОР ЎРТОҚЛАР!

Сизлар учун энг масъулиятли кунлар ўтмоқда. Биз сизларни бошоқли дон экинлари ҳосилини ўн-ўн беш иш кунда ушшоқлик билан, сира нобуд қилмай ўриб олишга чақирамиз. Ҳар бир комбайннинг иш унумини оширингиз, дон етиштириш ва давлатга дон сотиш юзасидан олинган мажбуриятингизнинг тўла бажарилишини таъмин этингиз.

ШОЛИКОР, МАККАЖЎХОРИКОР, САБЗАВОТЧИ ВА БОҒБОН ЎРТОҚЛАР!

Маккажўхори, шол, сабзавот, картошка, полдиз экинлари, боғ ва тоқзорларни қўлай агротехника муҳлатларида сифатли парварши қилайлик, барча экинлардан юқори ҳосил етиштирайлик, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини хилма-хил сабзавот ва мева билан мўл-кўл таъминлайлик.

ЧОРВАДОР ВА ЕМ-ХАШАК БРИГАДАЛАРИГА АЪЗО БЎЛГАН ЎРТОҚЛАР!

Чорва моллар сонини кўпайтирингиз, унинг зотини яхшилангиз, маҳсулдорлигини оширингиз. Чорва маҳсулотларини мунтазам кўпайтириб бордингиз, барча хўжаликларда чорвачиликнинг рентабеллигини таъмин этингиз.

Чорва маҳсулотларини кўпайтиришда мустаҳкам ем-хашак базаси барпо қилиш асосий шартлардандир. Шу муносабат билан биз сизларни дағал хашак жамғаришини тезлаштириш, қўлаб пичан уни тайёрлаш, барча хўжаликларда гектардан 150—160 центнердан беда пичани, 70—80 центнердан маккажўхори дони, 600—700 центнердан маккажўхори кўк поясини, 600 центнердан лавағини етиштириб келаётган илғор хўжаликларнинг тажрибасини кенг-жойи етишга чақирамиз.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

Партия ва ҳукуматимизнинг гоят катта ғамхўрлиги туфайли бизнинг қишлоқларимиз йил сайини ободлашиб, кўркам тус олиб бормоқда, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ўсмоқда, уларнинг турмуши яхшиланмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради. Биз қишлоқларимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қишлоқ меҳнаткашларининг маданий турмушини янада яхшилаш учун бундан бўён ҳам катта иш олиб боришимиз, ҳар бир хўжаликда Янгийўл районидagi «Ленинизм» колхозини сингари замонавий, кўркам посёлкалар бунёд қилиш учун хормай-томай кураш олиб боришимиз керак.

Бизнинг олдимизда КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, колхоз ва совхозларда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишнинг кўпайтириш юзасидан масъулиятли вазифалар турипти. Бу ишда област, район қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига катта масъулият тушади. Улар шу кунларда қишлоқ меҳнаткашларига маданий маншый хизмат кўрсатишда, даладарда иссиқ овқат ташкил қилишда, савдо ва медицина хизмати кўрсатишда, қолхозчилар ва совхоз ишчиларини моддий манфаатдорлигини оширишда, уларнинг эҳтиёж ва талабларини ҳар томонлама қондиришда алоҳида ғамхўрлик қилишлари зарур.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида баён қилинган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларини бажаришда ўз масъулиятларини чуқур ҳис қиладилар ва деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш янада кўпайтириш учун катта куч-ғайрат билан меҳнат қиладилар. Биз сизларни барча куч, билим, тажриба ва маҳоратларингизни тўққизинчи беш йилликнинг белгилловчи йили юксак социалистик мажбуриятларини муҳлатидан илгари ошириб бажаришга қаратиб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини муносиб қутиб олишга даъват етказамиз.

ИЛҒОР БРИГАДАДА

Оқдўғрон районидagi Навоий номи колхозининг Улуғбек Илашев бошлик маккажўхорилик бригадаси аъзолари бу йил 70 гектар майдонда маккажўхори 80 центнердан дон ҳосили йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

— Экинларимизнинг ривожини чакки эмас, — дейди бригада раҳбарини. — Ҳозиргача қатор ораларига уч марта ишлов

бердик. Уч марта озиқлантирдик. Ҳа демай эгатларга туртинчи бор сув тарайтиз.

Бригадада ўз ишнинг моҳир усталари меҳнат қилишади. Айниқса, миришкор сувчилар Тоштемур Абдурасулов, Нерон Сиддиқов, Эркин Суяров ва Сиройиб Тўғривоевларнинг номини коллективда хурмат билан элта олишди. Улар икки етказида ташкил этиб, ҳамма майдонлардаги экинларнинг қониб суви тўлишига эришмоқдалар. Ҳар бир суғориш олдин қатор ораларига ишлов бериш билан бирга зарур миқдорда ўғит ҳам солиб кетилмоқда.

Бригада маккажўхориқорлар республикаимиз олтин кўйи га муносиб тўғналар ҳозирлаш ниятида астойдил меҳнат қилишяпти. ҳамма майдонларда макжўхори яраша мўл ҳосил тўлаш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Х. НОСИРОВ.

ПАХТАКОР ЁШЛАР

Қўйи Чирчиқ районидagi Аббас номи 16-ўрта мактаб ўқувчиларини «ёш пахтакор-

лар» деб аташади. Мактаб қоринида комсомолчилар ишлаб чиқариш бригадасини ташкил қилишга алоҳида эътибор беришган. Бригадада Волков номи совхозининг биринчи бўлимидан 50 гектар ер биритиб беришган. Ўқувчилар бу йил ана шу майдоннинг 25 гектарига пахта, 25 гектарига эса маккажўхори экишган.

Ўқувчилар бригадасига Иван Хон ва Омон Тоғабоевлар бошчилик қилишяпти. Шу кунларда даладарда айниқса иш қизгин. Ёш деҳқонлар экин қатор ораларига сифатли ишлов бериб, ниҳолларни пешма-пеш оби-ҳаёга қондирмоқда-

лар. Деҳқончиликдаги илғор тажрибаларни кунт билан ўрганишмоқдалар, қишлоқ хўжалиги техникасини сирларини мукаммал эгалламоқдалар. Дала ишларида юқори синф ўқувчиларидан Д. Ермонова, Ж. Куменова, Р. Жузобоев, Т. Бейсенова, А. Ортиқбоева ва С. Каленовалар Жарчага ўртак бўлишяпти.

Сергайрат ёшлар меҳрига қониб қунадан-қун авж олаётган ғўзалар ёппасига шонага кириб, қийғос гулдайбошладилар. Ҳозиргача ғўза ниҳолларига уч кар-

ра ишлов берилди. Маккажўхори парваршиш ҳам ушшоқлик билан олиб боришмоқда.

АХДИГА ВАФОДОРЛАР

Бўстонлиқ районидagi «Қи-зил ту» колхозини чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг белгилловчи йилида баракали меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда қир-адирларда иш қизгин. Чорвадорлар ем-хашак жамғаришнинг тезкорлиги билан олиб боришмоқда. Ҳозиргача 800


тоинадан ортиқ сенаж бостирилди. Қўлаб дағал хашак жамғарилиди.

Хўжаликда жуён қирқин иш-лари ҳам ушшоқлик билан ўтказилди. Плендаги 250 центнер ўғитга 300 центнер қимматбаҳо хон аёш тайёрланди, давлатга топширилди. 1,5 тн қирқинда, айниқса, Р. Қорасов, Н. Айтбаев, Е. Қуробоев ва бошқа илғор чорвадорлар га ҳаммаобларига ўртак кўрсатишди. Уларнинг ҳар бири ўзига биритилган чорва молларидан 200—400 килограмми зяёд жуён қирқин олишга муваффақ бўлилар.

КАЙРОҚҚУМНИНГ МУЛ ЭНЕРГИЯСИ

М. МАХМУДОВ.

✦ **ТУРКМАНИСТОННИНГ**
 Ғарбида катта йод-бром суви
 тоғи очилди. Дастлабки ҳисоб-
 ҳисобларга кўра, шу қимматли
 сушом ашёдан фойдаланиш рес-
 урликларига йод ва бром ишлаб
 чиқаришни ҳозиргидан беш
 баравар кўنатиришга имкон
 беради. Разведка қилинган
 қом-ашё базасида янги катта
 қиммат қорхоналари қўриш мум-
 кинлигини



да социалистни мусобакада голиб чиқиб, «Хурмат белгисини» ордени билан мукофотланди.

Цех коллективни белгилловчи план-тошвиридаги 20 декабрга қадар ўртиқ билан бакарни маълумиятини олган. Ойоржиниқиз районидати «Ўзинг Ўзбекистон» колхозидати жойлашган металл цехи ишчиси Ниямон Тураровев эси 1975 йилининг февраль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Н. ЮЛДОШЕВА,

Узбекистон ССР.
(«ПРАВДА» 22 июнь).

О. МАТЯНИН,
(«ПРАВДА»нинг махсус
мухбири).
Ўзбекистон ССР.
(«ПРАВДА» 22 июнь)

